

---

"Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида Ўзбекистон туманининг "Намуна" ҳамда "Хотамтой" маҳаллаларида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида жонли эфирда маълумот берилди

Бугун "Ўзбекистон" телеканали орқали [жонли эфирда](#) "Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида Ўзбекистон туманида олиб борилаётган ишлар тафсилоти ёритилди.

Унда бу икки ҳудудда аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, электр таъминоти сифатини яхшилаш, йўл масалаларига ечим топиш, янги алоқа тармоқларини тортиш билан боғлиқ жараёнлар ҳақида маълумот берилди.

Шунингдек, ижтимоий соҳа объектларида олиб борилган қурилиш-таъмирлаш ишлари тўғрисида туман ҳокими ўринбосари Шерзодбек Исмоилов ҳамда "Намуна" МФЙ раиси Зиёҳиддин Ўктамов ўз интервьюларида айтиб ўтишди.

2022-10-24 20:55:15